

Ш А Р Т Н О М А № _____

юкларни ташиш учун темир йўл хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида, шу жумладан қўшимча хизматлар ва жарималар

" ____ " _____ 20 ____ йил

Қўнғирот шахри.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ номидан "Қўнғирот минтақавий темир йўл узели" УК бошлиғи Б.Л.Қудайназаров, кейинчалик матнда "МТУ" деб деб юритилади, бир томондан ва бундан буён матнда "Мижоз" деб юритилувчи _____ номидан лавозимига кўра _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилди :

1. Шартноманинг мавзуси

Ушбу шартнома қуйидагиларни белгилайди:

юкларни ташиш учун темир йўл хизматларини, шу жумладан шартномавий тарифлар бўйича қўшимча хизматларни кўрсатиш тартиби.

Тўлов миқдори ва станцияда кўрсатилган хизматларни ҳисоблаш тартибини белгилайди. Молиявий натижаларга кўра, МТУ станцияда эълон жойлаштириш орқали тарифларни ўзгартириш ҳуқуқига эга. Тўлов ставкалари кўрсатилган хизматлар рўйхати шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Агар станция томонидан юкларни ташиш режаси мавжуд бўлса, мижознинг аризаси асосида, белгиланган устунларни тўлдириш учун қатъий ҳисобга олиш шакллари бўлган, имзоланган ҳолда этказиб бериш ҳужжатлари тўплами берилади.

Юкларни ташиш учун асосий шартнома бўлган жўнатма ҳужжатларини якуний бажариш темир йўл станциясининг юк идорасида амалга оширилади.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

"Мижоз" қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

Мижоз юкларни ташиш ва қўшимча хизматлар учун кутилаётган темир йўл хизматлари учун 100% олдиндан тўловни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан тақдим этилган шартномавий тарифлар бўйича амалга оширади.

Белгиланган тўлов суммасини мижоз томонидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмасдан ўтказиб юборилганлиги натижасида пайдо бўлган муддати ўтган дебитор қарзнинг хар бир тўланмаган куни учун қонунда белгиланганидек 0,4 % ҳисобида, асосий қарздан 50 % миқдоридан ошмаган ҳолда пеня ҳисобланади. Пеня ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий - ҳуқуқий базаси" тўғрисидаги Қонунининг 25-32 моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги №ПФ-1154 сонли "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ амалга оширилади.

Мижоз қаттиқ назоратдаги ташиш ҳужжатларининг йўқолгани ёки бузилгани учун "Ўзбекистон темир йўллари" АЖда белгиланган тартиб ва миқдорда моддий жавобгар бўлади.

МТУ қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

Юкларни ташиш учун темир йўл хизматлари, шу жумладан, "Темир йўл транспорти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Темир йўллари тўғрисидаги Низом ва бошқа норматив ҳужжатлардан келиб чиқадиган шартномавий ставкалар бўйича қўшимча хизматларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

Томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл транспорти тўғрисида" ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси темир йўлининг Устави, "Ўзбекистон темир йўллари" нинг тариф сиёсати ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Томонлар шартномада киритилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардирлар.

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

Ҳисоб-китоб қилиш тартиби Мижоз ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ўртасида тузилган "Темир йўлда юк ташиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ҳамда жарималар тўловини тўғри амалга ошириш тўғрисида" Ўзаро келишув билан белгиланади.

Мижоз томонидан тўловлар миқдорини ва уларни тўлаш учун ҳисоблашни аниқлаш, юклаш ва тушириш пайтидаги амалдаги коэффицентларни қўллаш билан белгиланган қўшимча

қиймат солиғи миқдорини инобатга олган ҳолда темир йўл тарифи бўйича амалдаги №1 сонли Тариф йўриқномаси(прейскурант 10-01),«Ўзбекистон темир йўллари» Тариф Сиёсати асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий миқдори _____ сум.

Мижоз кўрсатиладиган темир йўл хизмати ва ташиш ҳақи тўловини олдиндан 100 % миқдорида амалга оширади. Агар кўрсатилган темир йўл хизматлари олдиндан тўланган пул миқдоридан бир мунча кўп бўлса Мижоз тўловнинг қолган қисмини қарздорлик юзага келган кундан бошлаб уч кун ичида тўлаб бериши лозим.

Қўшимча хизматлар учун олдиндан тўлов миқдори юкларни ташиш учун тўловлар ва рўйхат бўйича қўшимча хизматлар учун тўловларни ҳисобга оладиган ҳисоб-фактурани расмийлаштиришда (беришда) аниқланади. Ҳақиқий кўрсатилган хизматлар учун тўловларни йиғиш темир йўл станциясида берилган ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Олдиндан тўлаш ТехПД-нинг иккиламчи йиғимлар ҳисобига(накопительный счет) ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Низоларни бартараф қилиш тартиби

Томонларнинг ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, томонларнинг моддий жавобгарлиги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Темир йўл транспорти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, ЎзР Темир Йўл Низоми, СМГС ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5. Бошқа шартлар

Мижоз МТУга яқинда тугатилиши, қайта ташкил этилиши ёки тафсилотларнинг ўзгариши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган муддатларда хабар беришга мажбурдир.

Мижоз кўрсатилган темир йўл хизматлар учун "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан якуний ҳисоб-китобларни патент ёки қонун ҳужжатларининг тугатилишигача ёки амал қилиш муддати тугагунига қадар амалга ошириши шарт.

Шартнома ҳар бир томон учун биттадан 3 нусхада тузилиб, ҳар бири тенг юридик кучга эга.

Ушбу шартнома 20__ йилнинг 31 декабрь кунинига қадар амал қилади. Агар томонлардан бири ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилмаса, у ҳолда келгуси йилга узайтирилган ҳисобланади. Бунда томонларнинг барча бажарилмаган мажбуриятлари, қолдиғ пул маблағи, шунингдек ушбу шартнома бўйича яқунланмаган ўзаро ҳисоб-китоблар кейинги йилга ўтказилади.

Ушбу шартнома томонлардан бирининг ёзма аризаси билан бекор қилиниши мумкин, агар бошқа томонга дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлмаган бекор қилиниши мўлжалланган муддатдан камида 30 кун аввал иккинчи томонни огохлантириш йўли билан амалга оширилади.

Юк операциялари _____ станцияларда амалга оширилади.

Томонларнинг юридик манзиллари

Манзил _____

Ҳ/р _____

Банк _____

ИНН _____

МФО _____

Тел: _____

Минтақавий темир йўл узели

«Қўнғирот МТУ» УК

Қўнғирот ш., Ўзбекистон кўчаси, 76

х/р: 20210000300503675001

Қўнғирот филиали

ЎзР ТИИ МБ МФО 00888

ИНН 200365030

п/м: rjum_kungrad@mail.ru

« Мижоз » _____

(Имзо, мухр)

« МТУ » _____

(Имзо, мухр)

Еслатма: олдиндан тўлаш ўтказиш йўли билан амалга оширилади: юк ташиш ҳужжатларини қайта ишлаш Қўнғирот Технологик марказининг х/р: 2021 0000 100 600 315 287, Ҳамкор банки Нукус филиалининг ИИН 201051951, МФО - 01068

